



ARTICLE INFO

Received: 09th January 2023

Accepted: 18th January 2023

Online: 19th January 2023

KEY WORDS

Сўз, термин, терминологик тизимлар, бир маънолилик, эмоционал-экспрессивлик, услугубий бўёқ, бадий тасвир воситаси.

БАДИЙ МАТНДА ТЕРМИНЛАРНИНГ ЎХШАТИШ СИФАТИДА ҚЎЛЛАНИШИ. (Т.МАЛИКНИНГ «САОДАТ САРОЙИННИНГ КАЛИТИ» АСАРИ МИСОЛИДА)

Рахимова Зулфия Хашимжановна

Андижон машинасозлик институти

ЎТА кафедраси асистенти Андижон давлат педагогика институти

БТМ кафедраси стажёр-ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7549583>

ABSTRACT

Мазкур мақолада бадий матнда терминларнинг метафориклашуви, ёзувчи Т.Маликнинг “Саодат саройининг калити” асарида қўлланган терминларнинг услугубий хусусиятлари таҳлил этилган.

Маълумки, ҳар қандай бутунлик каби матн ҳам уни таркиб топтирувчи унсурлардан, муайян бирликлардан иборат бўлади.¹ Бадий матн муаллифнинг идиолектига қўра тилнинг тасвир имкониятларини ўзида мужассам этган, ўқувчига эстетик таъсир этиш хусусиятига эга бўлган мураккаб бутунликдир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бадий матн яратишда ижодкор тилнинг барча имкониятларидан унумли фойдаланади.

Бадий нутқ кенг маънода-образли нутқдир. Унда тил воситалари учун чекловлар бўлмайди. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, асосан, моносемантик характерга эга бўлган, яъни маъноси маълум услугуб (илмий) доирасида чегараланган терминларда ҳам бадий матнда образли тасвир воситаси сифатида қўлланиш имконияти мавжудлиги яққол намоён бўлади. .

Инсоннинг дунёни билишида ўхшатиш-қиёслаш бениҳоя катта ўрин тутади. Тилшуносликда одатда қиёснинг икки тури фарқланади, бунда қиёслашнинг мақсадидан келиб чиқилади. Агар икки предмет ёки тушунча улар ўртасидаги фарқни кўрсатиш мақсадида қиёсланган бўлса, соф қиёсий конструкция шаклланади (масалан, ер тошдан қаттиқ), қиёслаш ўхшатиш мақсадини қўзда тутганда эса ўхшатиш конструкцияси шаклланади(масалан, ер тошдай қаттиқ)². Соф қиёсга қараганда ўхшатишлар нутқда сезиларли даражада катта бадий-услубий ва лингвопоэтик имкониятларга эга бўлган конструкциялардир. Шунинг учун ҳам ўхшатишлар дунё филология илмида энг қадимги давлардан бошлаб нутқ таъсирчанлигини таъминловчи восита сифатида турли тадқиқотчиларнинг дикқат марказида бўлиб келган. Ўхшатишлар ўзига хос образли тафаккур тарзининг маҳсули сифатида юзага

¹ Qurbonova M. Yo'ldoshev M. Matn tilshunosligi. –T., Universitet, 2014, 32-b.

² Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактикасийиметрия.- Тошкент: Ўқитувчи, 1984.-Б. 68.



келади. Шунинг учун ҳам улар нутқда ҳамиша бадий-эстетик қимматга молик бўлади, нутқнинг эмоционал-экспрессивлиги, ифодалилиги, таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қиласди.³ Ўхшатишда уч асос мавжудлигини эътироф этади. Яъни “ўхшатилувчи объект”, “ўхшовчи образ”, “ўхшатма”⁴ Бошқа манбаларда эса ўхшатишнинг 4 асосий қисмдан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилади:⁵

- 1) ўхшатилган нарса;
- 2) ўхшаган предмет;
- 3) ўхшатиш асоси;
- 4) ўхшатиш воситаси.

Проф.Н.Махмудов илмий тилшунослиқда нутқнинг эмоционал-экспрессивлигини таъминлашда ўхшатишларнинг асосан икки тури фарқланишини таъкидлайди:⁶

- 1) индивидуал-муаллиф ўхшатишлари ёки эркин ўхшатишлар
- 2) умумхалқ ёки турғун(доимий) ўхшатишлар.

Ўхшатишлар асосан сўзлашув ва бадий услубларда кенг қўлланади. Кўпроқ илмий услугга хос деб қаралувчи ва, асосан, тўғри маъносига қўлланиладиган терминлар ҳам баъзан ўзига ўхшатиш элементларини қабул қилиб, бадий матнда ўхшатиш сифатида қўлланиш имкониятига эга бўлади.

Маълумки, бадий услуг алоҳида ва ўзига хос услуг ҳисобланса-да, унинг ўзига хослиги тилдаги бошқа вазифавий услубларнинг ҳам унда bemalol ҳаракатда бўлаверишида намоён бўлади.⁷ Бадий матн марказида ўқувчига эстетик таъсир этиш масаласи туради. Шу нуктаи назардан ёндашилганда, бадий матнда муайян тил бирликлари, тил воситалари эстетик жиҳатдан асосий ўринни эгаллайди. Экспрессивликнинг ифодаланишида тилнинг барча сатҳ бирликлари қўлланилса-да, лекин лексик сатҳ бирликлари алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, лексик сатҳ бирлиги саналган ва асосан, моносемантик характерга эга бўлган терминлар ҳам нутқнинг таъсирчанлигини оширишда жуда кенг имкониятларга эга эканлигини кейинги йилларда терминологик тизмлар юзасидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларидан ҳам кўришимиз мумкин. Илмий манбаларда терминларни қўлланилиш доираси жиҳатидан, асосан икки турга бўлиш мүкинлиги, яъни биринчиси умумхалқ тушунадиган ва қўллайдиган терминлар бўлса, иккинчиси муайян тор ихтисос доирасидагина қўлланиладиган, мутахассисларгина тушунадиган маҳсус сўзлар эканлиги ҳамда ҳар бир фан ва техника терминологиясида, касб-хунар соҳасининг лексикасида ана шу икки турли терминлар ва сўзлар учраши таъкидлаб ўтилади.⁸

Бадий матнда терминлар бадий тасвир воситаси сифатида қўлланиб, лингвопоэтик жиҳатдан турли услубий маъноларни ифодалаши мумкин. Ҳар қандай термин алоҳида олинганда, лингвопоэтик қимматга эга бўла олмайди, у бу қимматни фақат матн доирасидагина ифодалаш имконига эга бўлади. Демак, бадий матнда терминлар экспрессивликни ифодалаш учун қўлланилади ва бадий тасвир воситасига

³ Махмудов Н. Тил тилсими тадқиқи.- Тошкент: Mumtoz so’z, 2017. - Б.161

⁴ Мукаррамов. М. Ўзбек тилида ўхшатиш. -Тошкент: “Фан”, 1976, -Б. 6

⁵ Шомақсудов.А ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси. -Тошкент: “Ўқитувчи”, 1983, -Б.240.

⁶ Махмудов Н. Тил тилсими тадқиқи.- Тошкент: Mumtoz so’z, 2017. - Б.161

⁷.Махмудов Н. Илмий матнда термин таносиби ва такомили// Ўзбек тили ва адабиёти, 2020.№ 2. –Б. 5

⁸ Ўзбек тили лексикологияси. –Т., “Фан”, 1981.-Б. 26



айланади. Бу эса, ўз навбатида, асарнинг бадийлигини таъминлашга хизмат қиласди. Терминларни қўллашда ёзувчининг маҳорати ва терминларнинг семантик структурасини чуқур англаш ҳамда асар мазмунига сингдиришдек мураккаб услубий жараён ётади.

Ўзбек халқининг ардоқли ва маҳоратли ёзувчи Т. Малик ҳам ўз асарларида терминлардан жуда ўринли фойдаланганки, натижада терминлар асосий матн мазмуни ва лисоний қурилиши билан уйғуланашиб, ёзувчининг қўзда туттган ғоясининг рўёби учун гўзал бир тарзда, инсон ахлоқий мезонлари билан боғлиқ жиҳатларни тасвирлашда оригинал тасвир воситасига айланган десак, муболаға қилмаган бўламиз. Буни асардан олинган қўйида келтирилган мисолдан ҳам кўриш мумкин.

Масалан: *Мамлакат маънавияти тубанликка юз туттган бўлса, жаҳолат ботқоғига бўғзига қадар ботган бўлса, бир неча олимнинг ҳаракати кифоя қилмайди. Бу ботқоқликдан якка ёлғиз чиқиш қийин. Жаҳолатни турли разилликлар онаси дедик. Жаҳолатнинг суюмли фарзандларидан бири – мутаассиблик (фанатизм)дир. Мутаассиблик илмсизлик булоғидан сув ичади. Мутаассиблик аввало дин қушандасидир, сўнгра эса жамият жигаридаги қуртдир. Мутаассиблик фақат динга хос тушунча эмас.(195)*

Юқорида келтирилган матн парчасида бошқа асарларда бу тарзда учрамайдиган, бетакрор тасвир яратилганки, унда қўлланилган терминлар ўз маъносидан чекиниб, ўқувчига бутун бир гап мазмунини кўчма маънода англаш ва идрок этиш имконини юзага келтирган. Яъни матнда қўлланган ботқоқлик, булоқ(геогр.ат.), сув (хим.ат.), бўғиз, жигар (тибб.ат.), қурт (қишлох.хўж.ат.) каби терминлар асарда муаллиф томонидан ниҳоятда усталик билан қўлланганки, қойил қолмасдан илож йўқ. Яъни жаҳолат ботқоғига бўғзига қадар ботган, разилликлар онаси, жамият жигаридаги қурт, илмсизлик булоғидан сув ичмоқ каби бирикмалар орқали ифодаланган маънони мингта сўз билан ҳам изоҳлаш мушкул.

Яна мисолларга ўтсак: *Сталин тухмат уруғидан зулм дарахти қўкариб чиқиши учун шароит яратиб берди. Тухмат уруғини ўша қурбонлар билан бир дастурхонда нон еб, чой ичганлар экдилар. Зулм дарахти униб чиқсанда қувондилар. Жамият ўзининг оқил фарзандларидан жудо бўлди.(328-б.)*

Бадан – нафс ўлкаси ва шаҳридир. Қалб шу ўлканинг қоқ марказидир, қолган аъзолар унинг хизматкорлари, ботиний қувват эса ўлканинг ёритувчи фонусидир. Ақл уни тўғри йўлга бошловчи вазир. Жаҳл ва ғазаб шу ўлканинг мишиблари дир. Тил таржимон, беш сезги аъзолари эса унинг жосуси ва хабарчилари дир.(210-б)

Берилган мисолларни таҳлил этар эканмиз, унда ҳам дарахт, уруғ, унмоқ, ўлка, шаҳар, марказ, хизматкор(эск.т.), фонус, вазир (эск.бўёғида), мишиб (эск.т.), таржимон, жосус, хабарчи (эск.т.) каби турли соҳа терминларининг асарда бадийликни, таъсиричанликни, образлиликни таъминлашда оригинал тасвир воситаси сифатида қўлланганлигини кўриш мумкин.

Демак, моносемантик характерга эга терминосистемалар ҳам бадий матнда кўчма маъноларда қўлланниб, эмоционал-экспрессивликни ифодалashi ҳамда ёзувчи тафаккур қозонида қайнаб бетакрор тасвир воситасига айланishi мумкин экан.

References:



1. Махмудов Н. Илмий матнда термин таносиби ва такомили // Ўзбек тили ва адабиёти, 2020. № 2
2. Ўзбек тили лексикологияси. -Т., “Фан”, 1981
3. Қиличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси.-Т.,”Ўқитувчи” 1985
4. Тоҳир Малик. Саодат саройининг калити.-Т.,”Янги аср авлоди” 2017
5. Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. - Тошкент: Mumtoz so’z, 2017
6. Мукаррамов. М. Ўзбек тилида ўхшатиш. -Тошкент: “Фан”, 1976
7. Qurbonova M. Yo’ldoshev M. Matn tilshunosligi. –T.,Universitet, 2014
8. Шомақсудов А ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси. -Тошкент: “Ўқитувчи”, 1983